

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**COMPONENTS OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN INTENSIVE TEACHING OF FOREIGN LANGUAGES IN LANGUAGE EDUCATION****G. R. Tolibova***Independent researcher**University of World Languages of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: competence, communicative competence, components of communicative competence

Received: 30.06.23**Accepted:** 02.07.23**Published:** 04.07.23

Abstract: Communicative competence plays an important role in the intensive teaching of foreign languages in modern language education. In the intensive teaching of foreign languages, it is important to plan lessons and education based on communicative competence. In contrast to the traditional language teaching method in language education, the competence approach in language education has given effective results. This article examines the analysis of competence, communicative competence and its components.

ТИЛ ТАЪЛИМИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ИНТЕНСИВ ЎҚИТИШДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ**Г. Р. Толибова***мустақил тадқиқотчиси**Ўзбекистон жаҳон тиллари университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: компетенция, коммуникатив компетенция, коммуникатив коипетенция компонентлари

Аннотация: Замонавий тил таълимида хорижий тилларни интенсив ўқитишда коммуникатив компетенция муҳим рол ўйнайди. Хорижий тилларни интенсив ўқитишда дарс ва таълимни коммуникатив компетенцияга таяниб режалаштириш муҳимдир. Тил таълимида анъанавий тил ўқитиш методидан фарқли ўлароқ тил таълимида компетенциявий ёндашув самарали натижаларни берди. Ушбу мақолада компетенция, коммуникатив

компетенция ва компонентлари таҳлили
кўриб чиқилади.

КОМПОНЕНТЫ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРИ ИНТЕНСИВНОМ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ЯЗЫКОВОМ ОБРАЗОВАНИИ

Г. Р. Толибова

Независимый исследователь

Университета мировых языков Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: компетентность, коммуникативная компетентность, компоненты коммуникативной компетентности.

Аннотация: Коммуникативная компетентность играет важную роль в интенсивном обучении иностранным языкам в современном языковом образовании. При интенсивном обучении иностранным языкам важно планировать уроки и обучение на основе коммуникативной компетентности. В отличие от традиционного метода обучения языку в языковом образовании, компетентностный подход в языковом образовании дал эффективные результаты. В данной статье рассматривается анализ компетентности, коммуникативной компетентности и ее компонентов.

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан модернизациялаш, узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни фаол ўргатиш учун зарур шарт-шароит яратиш, хорижий тилларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1]. “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, хорижий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада таълим муассасалари тил ўрганувчиларда коммуникатив компетенцияни ривожлантириш йўллари, психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаш, уларда хорижий тилларни интенсив ўрганишга қизиқишини янада ошириш шартларини тавсифлаш, аудиториядан ташқари машғулотлар дастури ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, глобал ижтимоий-маданий маконда соҳавий ва соҳавий бўлмаган мулоқотда ўзга маданият вакиллари билан ўзаро мулоқотга кириша олиш улардан хорижий

тилни мукамал ўрганишни талаб қиладики, бу жараёнида уларни хорижий тилларни эгаллаш жараёнида коммуникатив компетенцияни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Сўнгги пайтларда чет тилини интенсив усулда ўқитиш айниқса оммалашди. Г.А. Китайгородская хорижий тилларга интенсив ўқитиш методикасининг асосий вазифаси сифатида: “чекланган вақт шароитида чет тилини эгаллаш, шунингдек, ёзма ва оғзаки нутқни одатдаги (табiiй) ёки одатдаги темп (суръат)да малака ва кўникмаларни эгаллашдан иборат” деб ҳисоблайди[12].

Н.В. Баришников “тил ўрганувчилар томонидан ўзлаштирилаётган материални ўзлаштириш тезлигига мос келадиган индивидуал тезликда ҳаракат қилиш керак” [10], дея таъкидлайди. Интенсив ўқитиш – бу хорижий тил ўрганувчиларининг шахсиятининг психологик захиралари, хусусан улар билан ўзаро мулоқотини бошқаришга асосланган ҳолда, чет тилини ўзлаштиришга қаратилган, бу одатда чекланган вақт ичида уларнинг минимал энергиясини сарфлаб чет тилини ўрганиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган тарзда амалга оширилади. Зеро, хорижий тилни ўқитишда интенсив стратегия ва методларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Ҳозирда хорижий тилларни интенсив ўқитишда компетенциявий ёндашув кенг татбиқ этилмоқда. Бу, хорижий тилларни ўзлаштиришда билим, кўникма ва малакаларнинг шакллантиришнинг ўзи етарли эмаслиги, балки хорижий тилларни ўзлаштиришдаги билим, кўникма ва малакаларни турли вазиятларда қўллаш малакасини босқичма – босқич шакллантириб бориш кераклиги билан асосланади.

Тил таълимида компетенцияга йўналтирилган таълим (competence-based education- CBE) XX-асрнинг 70-йилларида АҚШда шакллана бошланди. XXI асрда тобора машҳур бўлиб бораётган компетенциявий соҳалар жумласига саводли фуқаролик, глобал хабардорлик ва маданиятлараро кўникмалар, танқидий ва ижодий фикрлаш, ҳамда коммуникациялар ва ахборот билан ишлаш соҳасидаги кўникмалар киради. Мазкур соҳалар билан қамраб олинувчи компетенцияларга “XXI аср компетенциялари” номи берилди[16, 66].

«Компетенция» тушунчасига унинг кўп қиррали хусусиятини кўрсатадиган кўплаб таърифлар мавжуд. Компетенция - (лот. competence - қобилиятли) хорижий тилларни ўқитиш жараёнида шаклланадиган билим, кўникма, малакалар йиғиндисиدير. Бинобарин, “тил” маданият кўзгуси бўлиб, у нафақат инсонни ўраб турган дунёни, балки унинг менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, анъаналари, дунёқарашини ҳам акс эттиради. Тил, шунингдек, луғат, грамматика, фолклор, ёзма ва оғзаки шаклларда маданий қадриятларнинг кўриқчисидир[8].

Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди, мазмунан “фаолиятда назарий билмлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака маҳорат ва иқтидорини намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қилади.

И.А.Зимняя. “компетенция” тушунчасининг ўзи бошқа тушунчалар (кўникма, қобилият, маҳорат) ажралмас қисми бўлиб, ҳалигача мазмун жиҳатдан аниқ таърифга эга эмас[11] дея таъриф беради.


О.В. Кудряшова ўз асарларида барча компетенцияларнинг асоси билим ва улардан фойдаланиш қобилияти эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, компетенция ва маҳорат ўртасидаги сезиларли фарқ шундаки, у ҳар доим турли муаммоларни ҳал қилиш учун биргаликдаги фаолият ва ўзаро таъсирга ҳиссий ва психологик тайёрлик билан боғлиқ бўлиб, маълум шахсий фазилатлар, ахлоқий қадриятлар мажмуи билан тавсифланади[13].

Л.Т.Аҳмедова ...“компетенция – мулоқот иштирокчисининг ўз томонидан қўйилган аниқ мотив ва мақсадлар билан асосланган турли хил ҳаракатларни амалга оширишга имкон берадиган билим, кўникма ва шахсий фазилатлар йиғиндисидир” [9].

«Коммуникатив компетенция» ибораси Шимолий Америка тилшуноси ва антропологи Делл Хаймс томонидан 1960-йилларнинг охирида киритилган[3, 99]. У тилни билиш ва ундан фойдаланиш бўйича қуйидаги асосий позицияларни акс эттириш учун ундан фойдаланган:

Делл Хаймс тил билиш ва ундан фойдаланишдаги позициялари таснифи

Расм 1.



Расмдан англашиладики, Делл Хаймс тилдан фойдаланишни 4 асосий позицияга ажратади ва бунда тил ўрганишда вазият, матн ва контекст муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар

қандай вазиятда тилдан контекстга кўра тўғри фойдаланиш муҳимлиги акс этади. Хорижий тил ўрганишда тилни тушунишда ва мулоқотга киришишда фақатгина грамматик билимга асосланмайди. Шу билан бир қаторда тил ўрганишда нутқнинг 4 кўникмаси яъни гапириш, тинглаш, ёзиш ва ўқиш контекстга боғлиқ бўлади, ва тил ўрганиш муайян ижтимоий ҳолатларда иштирок этиш орқали тилдан фойдаланишнинг ўзига хос усулларида ижтимоийлашиш жараёни орқали содир бўлишлигини тавсифлайди.

Америкалик антрополог Делл Хаймс биринчи марта 70-йилларнинг бошларида коммуникатив компетенция ғоясини илгари сурган олим. Ҳаймес учун компетенцияга адекват ёндашув компетенциянинг тўртта элементини ажратишдир: имконият, амалга оширилиш, мақсадга мувофиқлик ва юзага келиши.

Бугунги кунда коммуникатив компетенция шахсий ўзаро муносабатларга оид вазиятларнинг муайян доирасида самарали мулоқот қуриш учун зарур бўлган ички ресурслар тизимини ташкил қилади.

Savignon коммуникатив компетенцияни: “... чинакам коммуникатив муҳитда фаолият олиб бориш – бу динамик мулоқот бўлиб, унда лингвистик компетенция бир ёки бир нечта суҳбатдошларнинг умумий маълумотларига, ҳам лингвистик, ҳам паралингвистик маълумотларга мослашуви керак” [5, 22].

Счастернинг (Schaster) таъкидлашича, дастлаб Ҳаймес томонидан таклиф қилинган коммуникатив компетенция модели грамматик компетенцияга асосий эътибор қаратган тилшуносларга катта туртки берди. Бу икки тилшунослар хорижий тил ўқитишда катта ўзгаришларни олиб кирди [6, 23].

Содда қилиб айтганда, асосий эътибор тилни ўрганиш ва амалда қўллаш учун шакллар йиғиндиси (грамматик, фонологик, лексик), тилни функционал тизим сифатида, бир қатор вазифаларни алоқа мақсадларида фойдаланилишни ифодалайди, бундай ўзгариш, асосан, этнографлар ва тилни қўллаш контекстида ўрганадиган бошқа мутахассисларнинг эътиборини тортди ва бу Тарон ва Юлнинг таъкидлашича тилдан фойдаланиш қобилиятини коммуникатив компетенция сифатида тавсифлаш кераклиги ҳақидаги ишончли далилларнинг натижаси эди [7, 23].

Коммуникатив компетенция – тилдан фойдаланувчининг маданият, анъаналар, умумий қабул қилинган қоида ва меъёрлар нуктаи назаридан қандай, нима ва қаерда етарли даражада сўзлаша олиши ҳақидаги қобилияти ва билимидир. Коммуникатив компетенция тилларни билиш, мулоқот қилиш қобилияти, гуруҳда ишлаш кўникмаларининг мавжудлиги, турли ижтимоий ролларга эгалик қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. “Коммуникатив компетенция – бу турли мулоқот ҳолларида хорижий тилда фикр-мулоҳазаларни тушуниш ва яратиш қобилиятидир” [15].

“Коммуникатив компетенция – бу мулоқот мақсадлари, соҳалари, вазиятларига мос келадиган ўзга инсонларни тушуниш ва ўз нутқий хулқ-атвор дастурларини яратиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва маҳоратлардир[14]”.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнги ўн йилликларда хорижий тилнинг коммуникатив компетенцияси муаммоси ва унинг таркибий қисмларини аниқлашга қизиқиш ортиб борди.

И.Ф. Комковнинг (I.F. Komkov) фикрига кўра, тилдан фойдаланиш ва ўрганиш инсоннинг хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади, уларни амалга ошириш жараёнида турли хил компетенциялар ривожланади: умумий тил ва коммуникатив. Шу билан бирга, компетенциялар деганда шахсга турли ҳаракатларни амалга ошириш имконини берадиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар йиғиндиси тушунилади. Умумий компетенцияларга компетенция, декларатив билим, ўрганиш қобилияти ва кўникмалар киради. Умумий компетенциялар лингвистик эмас, улар ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан коммуникатив фаолиятни ҳам таъминлайди. Коммуникатив тил компетенциялари лингвистик, прагматик, социолингвистик компонентларни ўз ичига олади ва тил воситаларидан фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш имконини беради[4].

Турли муаллифларда коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари сони ва таркиби бир-бирига тўғри келмайди, уларнинг жойлашуви нисбий бўлиб, таркибининг турли компонентларини биринчи ўринга чиқаради.

Масалан, Д. Хаймс ушбу тушунча билан куйидаги компонентларни бирлаштирган:

Коммуникатив компетенция компонентлари Делл Хаймс (Dell Hymes)

талқинида

лингвистик (Linguistic)	социо-лингвистик (Sociolinguistic)	Дискурсив (Discourse)	стратегик (Strategic)
• тил қоидалари	• диалектал нутқ қоидалари	• фикр-мулоҳаза мазмунини тузиш қоидалари	• суҳбатдош билан мулоқотни сақлаш қоидалари

Расмдан Делл Хаймс коммуникатив компетенция компонентларини 4 турга ажратган ва ҳар бир компонентларнинг таркиби турли хил. Масалан лингвистик ёки лисоний компетенция тил қоидаларини, социо-лингвистика тил таълимидаги диалектал нутқ қоидаларини, дискурсив компетенция нутқда фикр-мулоҳаза мазмунини тузиш қоидалари ва стратегик компетенция суҳбатдош билан мулоқотни сақлаш қоидалари ўрганилишини асослаб берган.

Хорижий тилларни интенсив ўқитишда коммуникатив компетенция ва унинг барча таркибий қисмларининг асосини лингвистик компетенция, биринчи навбатда луғат ва

грамматика ҳақидаги билимлар, лексик ва грамматик воситаларни амалий билишни ташкил этади. Лексик ва грамматик компонентларни нафақат лисоний, балки социолингвистик, социал-маданий, дискурсив ва стратегик компетенцияларда ҳам ажратиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, лингвистик компетенция бошқа барча компетенциялар учун таянч ҳисобланади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бугунги кунда жамият ва давлат тил ўрганувчиларнинг фанга ва умумий маданий тайёргарлигига, шу жумладан турли тилларда ва турли манбаларда тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятига, глобал ижтимоий муҳитда жуда кенг талабларни белгилайди. Маданий макон ва у билан ўзини таништириш, шунингдек, ватандошлар ва бошқа маданият вакиллари билан тўғри мулоқотга киришиш стратегиясини ўрганиш, бу хорижий тилни ўрганиш жараёнида коммуникатив компетенцияни шакллантириш зарурлигини тушунтиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. David L., Chiesa., Azizov U, Khan S, Nazmutdinova K, Tangirova K. «Reconceptualizing language teaching»: An in – service teacher education course in Uzbekistan: –Tashkent, 2019. –205p.
3. Hymes D (1962/1968). «The ethnography of speaking.» In Fishman J A (ed.) The ethnography of communication. The Hague: Mouton. 99–138.
4. Komkov, I.F. (2008). «Metodika prepodavaniia inostrannykh yazykov [Methodology of Teaching Foreign Languages]. Minsk. studopedia.ru. Retrieved from https://studopedia.ru/10_275669_komkov-if-metodika-prepodavaniya-inostrannih-yazikov--minsk-.html [in Russian].
5. William H. Walcott « In Knowledge, Competence, and Communication» Black rose books. – 2006. – 222p.
6. William H. Walcott « In Knowledge, Competence, and Communication» Black rose books. – 2006. – 222p.
7. William H. Walcott « In Knowledge, Competence, and Communication» Black rose books. – 2006. – 222p.
8. Асеев В.Г. «Возрастная психология» / В.Г. Асеев. - Иркутск: Издательство ИГПИ, 1989. – 194 с.

9. Ахмедова Л. «Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка» в образовательном процессе Республики Узбекистан <https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/Laylo-Axmedova.pdf>

10. Барышников Н.В. Методика обучения второму иностранному языку в школе. – М., 2003. - 159 с.

11. Зимняя И. А. «Педагогическая психология»: учебник для вузов. - 2-е изд., доп., испр. и перераб. - М.: Логос, 1999. – 384 с.

12. Китайгородская Г. А. Создан проблемный совет по интенсивным методам обучения иностранным языкам // ИЯШ. – М., 1976. № 3.

13. Кудряшова О.В. «Методика поэтапного формирования коммуникативной компетенции в письменной речи: Английский язык, языковой вуз: дис. ...канд. пед. наук: 13.00.02 / О.В. Кудряшова. – Челябинск, 2005. – 192 с.

14. Литвинко Ф. М. «Коммуникативная компетенция как методическое понятие», Коммуникативная компетенция: принципы, методы, приемы формирования: сб К63. науч. ст. / Белорус.гос.ун-т; в авт. ред. – Мн., 2009. – Вып. 9. – 102 с.

15. Пассов Е.И. Кузовлева Н. Е. «Основы коммуникативной теории и технологии иноязычного образования». — М.: Русский язык. Курсы, 2010. – 568 с.

16. Халқ таълими вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ). Ўзбекистонда дарсликлар тайёрланиши, чоп этилиши ва қўлланилиши соҳасини тартибга солувчи сиёсат таҳлили. – Тошкент, 2020 – 66 б.

17. www.pandia.ru. Эволюция становления терминов коммуникативная компетенция и коммуникативная компетентность.